

**ШАРТНОМА**  
(Аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида)

Термиз шаҳри

№ 25

“11” апрел 2022 йил

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “НИМОҲА FAIR” аудиторлик ташкилоти Сурхондарё филиали (кейинги ўринларда “Иш бажарувчи” деб юритилади) номидан “Низоми” асосида фаолият юритувчи раҳбари Баҳромов Шерхон Хусанович ва “SURXONDARYO SUV TA'MINOTI” mas'uliyati cheklangan jamiyati (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан “Низоми” асосида фаолият юритувчи раҳбари SAFAYEV XASAN YAXYOYEVICH томонидан мазкур шартнома аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисида тузилди.

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. Шартноманинг асосий мақсади - Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида аудиторлик текширув ўтказишдан иборат.

1.2. Иш бажарувчи томонидан Буюртмачининг топшириғига асосан, 2021 йил молиявий-ҳужалик фаолияти якуни балан 31-декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва аудиторлик ҳулосасини бериш.

1.3. Иш бажарувчи томонидан Буюртмачининг талабига кўра, кўрсатилган аудиторлик хизматлари юзасидан аудиторлик ҳисоботини топшириш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**2.1. Иш бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.1.1. Буюртмачининг топшириғига асосан, мазкур шартноманинг 1.2.-бандида қайд этилган молиявий ҳўжалик фаолиятига доир тузилган молиявий ҳисоботларини аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш.

2.1.2. Кўрсатилган аудиторлик хизматларни ҳисоботлар ва ҳулоса (хат) тариқасида тақдим этиш.

2.1.3. Хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш.

2.1.4. Буюртмачининг фаолиятига доир тижорат сирини таъминлаш ташкил этувчи барча маълумотларни махфий сақлашни таъминлаш.

2.1.5. Буюртмачининг фаолияти текширилганда Иш бажарувчи бу текширишларда қатнашиш ва ҳулоса билан жавоб бериш.

**2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2.1. Аудиторлик хизматларига доир оператив бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотлар, барча бирламчи ҳужжатлар, ҳисоботлар, режалар ва бошқа зарурий ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш.

2.2.2. Аудиторларга хизмат кўрсатиш жараёнида барча шароитларни яратиб бериш:  
- зарур ҳолларда, масъул ходимлар, моддий жавобгар шахсларнинг аудиторлик текширувида иштирок этишини таъминлаш.

2.2.3. Кўрсатилган хизматларнинг сифатини текшириб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

2.2.4. Шартномада кўрсатилган вақтида аудиторлик хизмат ҳақини тўлаш.

**2.3. Иш бажарувчининг ҳуқуқлари:**

2.3.1. Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Буюртмачининг таъсис ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботига доир ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш.

2.3.2. Аудиторлик текширув ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш.

2.3.3. Аудиторлик текширув ўтказиш учун Буюртмачининг текширилаётган молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ барча зарурий ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш. Зарурият туғилганда қўшимча маълумотлар талаб қилиб олиш.

2.3.4. Аудиторлик текшируви ўтказилиши давомида юзага келган масалалар юзасидан моддий жавобгар шахслардан оғзаки ва ёзма тушунтириш хатлари ҳамда қўшимча маълумотлар олиш.

2.3.5. Ишончли аудиторлик текширувини ўтказиш учун зарур ахборотлар, маълумотлар ва бухгалтерия ҳужжатлари Буюртмачидан тақдим этилмаган тақдирда аудит текшируви ўтказишдан бош тортиш.

2.3.6. Хизмат кўрсатиш даврида ва якунлашда Иш бажарувчи Буюртмачи билан барча ҳисоботларини муҳокама қилиш.

**2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

2.4.1. Бажарилган хизматларга тааллуқли ҳисоботларни талаб қилиб олиш.

2.4.2. Ҳар қандай вақтда Иш бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

**2.5. Хизмат кўрсатиш муддати:**

2.5.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Аудиторлик текширувнинг бошланиши: "11" - апрел 2022 йил,

туғалланиши: "31" - май 2022 йил.

**3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан - 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмни ташкил қилади.

3.2. Кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома қийматининг 50 фоизини Буюртмачи Иш бажарувчининг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатилишидан олдин ўтказиб беради, шартнома қийматининг қолган қисмини иш топширилгандан сўнг 10 кун ичида аудит хулосасини олишдан олдин ўтказиб бериш шарт.

3.4. Хизматлар қиймати Иш бажарувчининг ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказиб берилгандан кейин аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси бир нусхада Буюртмачига тақдим этилади.

3.5. Буюртмачига Иш бажарувчи томонидан кўрсатилган хизматлар маъқул келса ёки хизмат қилишда қўшимча харажатлар қилинди деб ҳисобласа Иш бажарувчини шартнома қийматидан ташқари мукофатлаши мумкин.

3.6. Иш бажарувчи шартнома муддатида ишни топширмаса ҳар-бир кечиктирилган кун учун 0,2 фоиз шартнома қийматидан, аммо шартнома қийматининг 25 фоизидан ошмаган миқдорда устама жарима тўлайди.

3.7. Буюртмачи шартнома қийматини иш топширилгандан сўнг 10 кун ичида ўтказиб бермаса ҳар-бир кечиктирилган кун учун 0,2 фоиз шартнома қийматидан, аммо шартнома қийматининг 25 фоизидан ошмаган миқдорда устама жарима тўлайди.

**4. Низоларни ҳал қилиш**

4.1. Шартнома шартларини ижро этишда форс-мажор вазиятлар вужудга келса томонлар ўзаро мажбуриятлардан озод этилади.

4.2. Ушбу шартнома юзасидан ва вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай эътирозлар ва низолар томонлар ўртасида дўстона ҳал қилиниши мумкин бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилинади.

4.3. Томонларнинг бири ушбу шартнома шартларига тўлиқ амал қилмаган тақдирда иккинчи томон шартнома мажбуриятларидан озод бўлган ҳисобланади.

4.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларга бир нусхадан берилди.

**ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲИ**

<p><b>Иш бажарувчи:</b> <b>МЧЖ«НИМОҲА FAIR» АТ</b> Сурхондарё филиали. <b>Манзили:</b> - Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси 34-уй. <b>Ҳисоб рақами:</b> - 20 208 000 305 410 835 002. <b>Банк:</b> - АТ «Агробанк» Термиз ш. бўлими <b>МФО:</b> - 00325. <b>СТИР:</b> - 308636111. <b>ИФУТ (ОКЭД):</b> <b>Телефон(лар):</b> -</p> <p><b>Баҳромов Ш.Х.</b> Мухр ўрни</p> 	<p><b>Буюртмачи :</b> <b>"SURXONDARYO SUV TA'MINOTI"</b> <b>mas'uliyati cheklangan jamiyati.</b> <b>Манзили:</b> - 1722401 - Surxondaryo viloyati, Termiz sh. T.Mirzayev ko'chasi, 124 a-uy <b>Ҳисоб рақами:</b> - 2020 8000 6044 8572 0001. <b>Банк:</b> - АТИБ "ИпотекаБанк" Сурхондарё фил. <b>МФО:</b> - 00356. <b>СТИР:</b> - 206310371. <b>ИФУТ (ОКЭД):</b> - 36000 <b>Телефон(лар):</b> -</p> <p><b>SAFAYEV X.Y.</b> Мухр ўрни</p> 
---	--